

XDF

1918-yil  
21-iyundan chiqa  
boshtagan

№29, 2022-yil  
20-iyul, chorshanba  
(32.723)

# O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 21 июль куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонот шаҳрига ташриф буорди.

Қирғизистон раислигига ўтадиган саммит ишида Қозогистон Республикаси, Токикистон Республикаси ва Туркманистон Президентлари хам иштирок этиши кутилмоқда.

Минтақа мамлакатлари етакчиларининг учрашуви кун тартибидан турли йўналишларда, шу жумладан, савдо, транспорт ва логистика, саноат кооперацияси, инновациялар, озиқ-овқат хавфсизлиги, туризм, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириши кўрсатилишини ўрин олган.

Алоҳида эътибор Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва изчил тараққиётiga замонавий таҳдид ва хатарларга биргалиқда қарши туриш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қартилади.

Саммит якунида бир катор муҳим кўп томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташабbusи Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеясининг 72-сессиясида илгари суригланган эди.

Минтақа етакчиларининг биринчи саммити 2018 йил марта ойда Нур-Султон шаҳрида, иккинчиси 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида, уччинчиси ўтган йилнинг август ойда Туркманистондаги "Аваз" миллий сайдхон зонасида бўлиб ўтган.

ЎзА.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГРУЗИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизда амалий ташриф билан турган Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Сорена Сатторийни қабул қилди.

Учрашува иккى мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликка доир, энг аввало, транспорт ва логистика, савдо, саноат кооперацияси соҳаларида қўшма лойиха даастурларни илгари суриш истиқболлари кўриб чиқилди.

Транзит салоҳиятини, шу жумладан, мамлакатимиз юкларини ташишда Поти ва Батуми портлари инфраструктурасини самарали ишга солиш масалаларида алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Грузия худудидаги эркин саноат зоналарида яратилган қулий шароитларни хисобга олган холда тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойихаларни амалга ошириш учун имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташкири, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш ва сайдхон оқимини оширишдан иккala томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича "йўл ҳаритаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎзА.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЭРОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ҚЎШМА ИННОВАЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан турган Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Сорена Сатторийни қабул қилди.

Кўп қиррали ўзбекистон – Эрон муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Фан, инновация ва технолоѓиялар соҳасидаги қўшма дастур ва лойихаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратиди.

Учрашув аввалида Сорена Сатторий давлатимиз раҳбарига Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кейнинг йилларда иккى томонлама мулоқотлар ва ўзаро алмашинувларнинг фаоллашуви кузатиладиган мамнуният билан қайд этилди. Савдо кўрсаткичлари ва кооперация лойихалари сони ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили товар айрбошлаш 73 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 22 фоизга ошиди.

Кўшма илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш борасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, изланиш ишлари ва венчур ташабbusларини молиялаштиришга хусусий секторни жалб қилиш, олий таълим мусасасалари ўртасидаги дастурларни кўллаб-куватлаш, био- ва нанотехнологиялар, IT соҳаларида, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойихаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Келажакда, шу жумладан, бўлажак ўзбекистон – Эрон инновация форуми ва ишбилармонлик тадбирлари доирасидаги қабул қилинадиган қўшма қарорлар ва имзоланадиган битимларни амалга ошириш бўйича "йўл ҳаритаси"ни қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

## СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ – БАРҚАРОР БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ГАРОВИДИР!

Маълумки, дунёда озиқ-овқат танқислиги кучайиб бормоқда. Экспортга ўйиллаётган чекловлар ва транспорт-логистикадаги узилишлар муаммоларни янада чукурлаштиришади. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нарихи камидаги 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Бозордаги нархларнинг кескин ўзғарбиб туриши, ахоли ўртасидаги норозиликларга сабаб бўлгани ҳам айни ҳақиқатадир. Бирор, дунёда бўлаётган вазият беийтиёр бизнинг иқтисодиётимизга ҳам ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди. Мамлакатимизда ахоли даромадининг қарийиб 40-50 фоизга озиқ-овқатга сарфланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги озиқ-овқат маҳсулотлари етишишини ва ахоли даромадларни кўпайтириш масалалари бўйича куни кечча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам айнан шулар хусусида батафсил фикр юритилди.

4 САҲИФА



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР БИР ҲУДУДИДА ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТИЛМОҚДА. ЭНГ ЧЕККА СҮХ ТУМАНИДА ҲАМ БУНИ ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН.

СҮНГИ БЕШ ЙИЛДА СҮХГА ҚАРИЙБ БИР ТРИЛЛИОН, ЖУМЛАДАН, 2021-2022 йилларда 500 МИЛЛИАРД СҮМ АЖРАТИЛДИ. ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР, ШИФОХОНА,

МАКТАБЛАР ҚУРИЛДИ, ЯНГИ ЙЎЛЛАР ОЧИЛДИ.

2022 йилда СҮХ ТУМАНИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА 39 ТА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЗИЛЛИОН 400 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ МАҚСАД ҚИЛИНГАН.

БУ ЙИЛ ЯКУНИ БИЛАН ТУМАНДА ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ 100 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН 30 ТА СУВ ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИШИ, 274 КИЛОМЕТР ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҚЛАРИ ТОРТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

ЎзА.

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ВА ШАФФОФЛИК

"ЎЗКИМЁЙМПЕКС"  
КОРХОНАСИ 14 ИЮЛЬ  
КУНИ ПОЛИПРОПЕЛИН  
КОПЛАРИНИНГ БИР  
ДОНАСИНИ 79 МИНГ  
728 СҮМДАН 10 МИНГ  
ДОНА СОТИБ ОЛИШИ  
УЧУН 797 МИЛЛИОН 280  
МИНГ СҮМЛИК МАБЛАГ  
САРФЛАГАН. КОРХОНА  
ШУ КУННИНГ ЎЗИДА ЯНА  
300 МИНГ ДОНА ҚОЛНИНГ  
ҲАР БИРИНИ З МИНГ 264  
СҮМДАН СОТИБ ОЛИШ  
УЧУН 979 МИЛЛИОН 200  
МИНГ СҮМ САРФЛАГАН.

6 САҲИФА

# Сиз жамиятга кераксиз!



**Абдулхамид НУРМАТОВ,  
ЎҲДП Андикон вилоят  
кенгаши раиси, ҳалқ  
депутатлари вилоят  
Кенгашидаги партия  
гурухи раҳбари:**

— “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, ишлизикда, ногиронлиқда, шунингдек, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”. Бу таклиф янги Конституциянинг 39-моддасига киритилиши белгиланомда.

Яқиндагина ишга бориб-келиб юрган инсон бирон сабаб билан ишини йўқотса, кексалик пайти келиб нафақага чиқса ёки ногиронлиги сабаби ишлай олмаса, уларнинг кўнглидан нималар ўтишини бир хаёлимизга келтирайлик. Даромадимин йўқотдим, энди оиласини қандай бокаман, ишлаш лаёқатига эга эмаслигим сабабли энди ҳеч кимга керак бўлмай қолдим, қани энди мен ҳам соғлом бўлганимда ўзим истаган соҳада фаолияти юритардим, деган тушкун кайфият уларни чулғаб олиши табиий. Шундай пайтда озигина дала, кўллаб-кувватлаш уларга катта куч бўлади, албатта. Уларга “Сиз бизга кераксиз, сизнинг тажрибангиз, насиҳатларингиз бизга йўл кўрсатади”, десангиз бир ёши улуғ инсонга бир қоп тилла ҳада қилгандек бўласиз. Бериладиган таъминот эса жамиятга керакли эканликларини

ёдга солдириб туради, десак мубоблаға бўлмас.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда ногиронлиги бўлган инсонлар жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойил негизида уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва кафолатларини белgililab кўйиши инсоний бўрчумиздир, дея алоҳида таъкидлади.

Халқаро тажрибада ишсизлиги даври объектив сабабларга кўра, фуқаро ишсиз юрган давр ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган давр хисобланади. Мамлакатимиз конунчилиги учун бир давр ишқидарлиши билан боғлиқ бўлиб, унинг учун моддий таъминот берилиши белgilanmagан. Айтиш керакки, мазкур таклиф халқаро нормалар билан ўйнлаштириш максадида илгари сурилган.

Юртимизда бир миллион нафарга яқин ногиронлиги бор шахс истиқомат қилади. Конституциянинг 39-моддасига киритилаётгани уларни ҳар жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, турмуш шароитларини енгиллаштириш, ҳаётга қарашларини янгилаш, қонуний таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ногиронлиги бор шахслар пенсия ва нафақалар олиш ҳуқуқига эга бўлиб, меҳнат стажига эга бўлган ёки иш пайтида шикастланганилиги оқибатидан ногирон бўлиб колгандарга пенсия тайинланади,

**Юртимизда бир миллион нафарга яқин ногиронлиги бор шахс истиқомат қилади. Конституциянинг 39-моддасига киритилаётгани уларни ҳар жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, турмуш шароитларини енгиллаштириш, ҳаётга қарашларини янгилаш, қонуний таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

## Бепул юридик ёрдам



**Райимберган ЮСУПОВ,  
ЎҲДП Хорзам вилоят  
кенгаши раиси:**

январь оидаги фармонига мувофиқ, ижтимоий химояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқароларга маъмурӣ ишлар бўйича ҳам давлат хисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартибини жорий этиш вазифаси белgilanган.

Конституциямизнинг 116-моддасида ҳар ким учун малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуки кафолatlаниши, қонунда назарда тутилган ҳолларда бепул юридик ёрдам кўрсатилиши белgilanмоқда. Мазкур меъёнинг киритилиши натижасида ахолининг барча қатлами малакали юридик ёрдам олиши мумкин бўлади. Бу, айниқса, ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатлами учун жуда мухимdir.

Жамиятда юридик ёрдамга муҳтож, лекин ундан фойдаланишга етарли маблағи бўлмаган шахслар ҳам бор. Бу ҳуқуки чеклаши мумкин. Мазкур норма киритилса, ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатлами ҳеч бир шартсиз, кийинчиликсиз юридик ёрдам олиши имкониятига эга бўлади. Натижада жамиятимизда ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги юзага келади.

Конституцияга янги норманинг киритилиши натижасида кўплаб меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритишга, эҳтимол “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун қабул қилинишига ҳам тўғри келади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаганлар, соковлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўзини ўзи химоя килиши ҳуқуқини амалга оширишга қўйналадиган бишқа шахсларнинг, судлов иши олиб бораилаётган тилни билмайдиган шахслар, жазо чораси сифатida умрబод озодлиқдан маҳрум килиши жасози тайинланishi мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича адвокатнинг иштирок этиши шартлиги белgilanган. Бунда гумонланувчи, айланувчи ва судланувчида адвокат ёллаш имконияти бўлмаса, давлат томонидан бепул адвокат хизмати жалб этилади.

Бу улар учун қанчалик мухим эканлигини ҳар бир биримиз яхши хис қилимиз. Ўзини химоя қилиши қодир бўлмаган шахснинг қонун, давлат томонидан химоя килиниши юксак инсонпарварлик, инсон кадрини улуглашнинг яна бир намунаси бўлишини қайд этиш жоиз.

### УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ДОИРАСИДА КЕЛИБ ТУШГАН ТАКЛИФЛАР

19.07.2022

Умумий таклифлар  
сони 87 712 та

Meningkonstitutsiyam.uz  
платформаси  
орқали – 19 573 та

1341 колл-маркази  
орқали – 66 609 та

Фуқароларнинг  
бевосита қабули  
орқали – 1 177 та

Жамоавий  
таклифлар – 353 та

19 573

66 609

1 177

353

50 314 та эркаклар

32 345 та аёллар

5 053 та аноним



**Конституцияга киритилиши  
таклиф этилаётган ўзгартиришлар  
Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат  
ва адолатли жамият куришдаги  
интилишларини ифодалайди**

Фредерик Старр  
Марказий Осиё ва Кавказ  
институти асосчиси,  
профессор (АКШ)

## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛАДИ



**Нурииддин ХОЛМАТОВ,  
ЎҲДП Жиззах вилоят  
кенгаши раиси,  
ҳалқ депутатлари  
вилоят Кенгаши  
депутати:**


Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан буён Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси бўлиб, ўтган давр мобайнида ташкилотнинг 10 дан ортиқ конвенцияларини ратификация қилган. Хусусан, Мажбурий меҳнат, Мажбурий меҳнатни йўқотиши, Болалар меҳнатининг энг ёмон формаларини тақиқлаш ва зудлик билан чоралар кўриш хақида конвенцияларга кўшилган. Мажбурий меҳнатга барҳар бериш мақсадида барча соҳаларда қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва улар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Конституциянинг 37-моддасида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларидан фойдаланиши тақиқланиши ҳамда қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши белgilanaётгани ҳар бир фуқаронинг манфаатлари химоя этилиши, мажбурий меҳнатининг олди олиниши, кўзимиз қарори бўлган фарзандларимизни химоя қилиши кафолати мустаҳкамлашнишига хизмат

қилади. Яна бир масала. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига кадар камбағалликни камиди 2 бараварга қисқартишига бағишиланган 85-максади доирасида “норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштириша ёрдам бериши орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёzlардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш” вазифаси белgilanган.

Конституциямизга меҳнат ҳуқуки бўйича киритилаётган ўзгартириш ёки қўшимчалар ишич-ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш учун ҳуқуқий асос яратади. Энг мухими, норасмий меҳнат муносабатларини легаллаштириш имкони ортади. Норасмий тартибида фаолият юритаётган қанчадан-канча шахслар ҳақ тўлнадиган дам олиш вақтига эга бўлмаган ҳолда ишлашга мажбур бўлиши мөмкин. Кўплаб ишчилар ҳимоясиз, чегараланмаган вақт оралиғида саломатлигига зарар етган ҳолда меҳнат килишига мажбур ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бош қомусимизда хавфимиз меҳнат шароити ҳақида кўзда тутилаётган меъёр эса бу борадаги мұаммолар ҳал этилишига ҳуқуқий асосни кучайтиради

Қомусимизда мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларидан фойдаланиши тақиқланиши ҳамда қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши белgilanaётгани, юқорида айтилган бошқа меъёрлар халқимиз кутган масалаларга Конституциявий ечим берапти, десак хато бўлмайди.



## Францияда Конституциявий ислоҳотларга бағишиланган давра сұхбати ўтказилди



Ўзбекистоннинг Париждаги элчиҳонасида “Конституциявий ислоҳотлар – истиқболдаги ўзгаршиларнинг асоси” мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Европарламент, илмий ва академик ҳамжамият, таҳтил марказлари, Франция вазириллари ва идоралари вакиллари, ОАБ ҳодимлари иштирок этди.

Элчи Сардор Рустамбоев фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолияти учун кулагай шарт-шароит яратишга каратилган конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига баттағиси тўхталиб ўтди.

Сұхбатга ташриф буюрган мемонлар мажбилишларнинг Конституция ўзбекистонда мамлакатни узоқ муддатли ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиши, давлат бошқаруви тизими самарадорлигини оширишга хизмат килишини таъкидладилар.

Конституциявий комиссия  
Матбуот хизмати.

Сахифани Гулруҳ ОДАШБОЕВА тайёрлади.

# УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ҚЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

**ЎЗҲДП ВИЛОЯТ, ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ЖОЙЛАРДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИШ  
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ БҮЙИЧА КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА ТАРФИБОТ-ТУШУНТИРИШ  
ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗМОҚДА. ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ,  
ДЕПУТАТЛАР, УМУМАН, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК БОШ  
ҚОМУСИМИЗГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР, УЛАРНИНГ  
МАЗМУН-МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА БАТАФСИЛ ФИР  
ЮРИТМОҚДА.**



## СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА

Олтиной тумани "Чеп" маҳалласида жойлашган 3-сонли умумталим мактабида конституциявий иштохотларнинг мазмун-моҳиятига багишланган давра сұхбати ташкил этилди. Унда Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар, уларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритди.

Киритилаётган таклифлар асосида Конституцияда, айниқса, боланинг манфаатлари, болаларнинг тўлақонли, жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун барча шартшароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши эканлиги белгиланаётгани иштирокчилар томонидан алоҳида тилига олindi.

Ҳар инсон ушбу ҳужжатда ўзи, оиласи, маҳалласи, жамият ва давлатни йиллар давомида безовта қилиб келган масалалар ечимини кўрмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул килиниши юртимиз келажаги, ватанимиз тақдирни ва келгуси тараққиётимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ушбу жарайёnda ўз келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг фаол иштироки муҳимидir.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА

Косонсой туман маданият марказида туман аддия бўйими ҳамкорлигига "Конституция – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-киммати, даҳлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати" мавзусида давра сұхбати ўтказildi.

Тадбирда иштирокчиларга Конституцияга киритилаётган барча ўзгаришлар замонирида инсон қадрни улуглаш тамоилиётгани, "Инсон-жамият-давлат" стратегияси пировард мақсад қилиб олингани айтиб ўтилди. Қатнашчиларнинг қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланди.

39-моддага киритилаётган ўзгаришларга кўра, давлат ижтимоий жижатдан эҳтиёжманд ва кам таъминланган, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаши аҳоли томонидан қўллаб-кувватланаётгани таъкидланди.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА

Яккабоғ туман кенгаси томонидан туман Бандликка қўмаклашиб марказида "Конституция – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-

киммати, даҳлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати" мавзусида давра сұхбати ташкил этилди. Унда Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилиши ҳақида сўз юритти.

Киритилаётган ўзгаришлар қаторида ҳар ким уй-жой даҳлсизлиги ҳуқуқига эга эканлиги, суд қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмаслиги Конституцияда белгилаб қўйиллаётгани маннуният билан қўллаб-кувватланмоқда.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА

Тошкент вилояти Пискент туманининг Алоқа бўйими ишчи-ходимлари, партия фаоллари иштирокида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонун лойиҳаси мухокамасига багишланган давра сұхбати ўтказildi.

Тарбибот тадбираida Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди, конституциявий иштохотларнинг аҳамияти, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва ишончила кафолати яратishi тўғрисида фикр алмашildi. Конституциянинг 37-моддада мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг энг ёмон шакларидан фойдаланиш тақиқланиши ҳамда қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланаётгани ҳар бир фуқаронинг манфаатлари ҳимоя этилиши, мажбурий меҳнатга тортила масликларининг олди олиниши, қўзимиз қароги бўлган фарзандларимизни ҳимоя килиш кафолати мустаҳкамланиши алоҳида таъкидланди.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА

Урганч туман кенгаси томонидан конституциявий иштохотларга багишланган давра сұхбати ташкил этилди. "Конституция: оила институтини ривожланиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари" мавзусида ўтказилган давра сұхбати сўз олганлар замон шиддат билан ривожланиши бораётган бир пайта Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар долзарблиги ҳақида фикр юритти.

Давлат оиласидан тартибда ижтимоий шароитларни яратishi, кўп болали оиласидан тартибда ижтимоий масалаларни багишланган тартибда яратishi.

кафолатлар берилиши ҳақида киритилаётган ўзгаришлар эътироф этилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Тошкент шаҳар ўсмирилар диспансери ходимлари иштирокида Конституцияга тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига багишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар партия кенгаси раиси, ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгасидаги партия гурухи раҳбари Ниғора Эшметова конституциявий иштохотлар тараққиётимизнинг янги даврини бошлаб беришини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомида Конституцияга ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларни вояга етгунга қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълими, соғом, тўлақонли ва ўйғун камол топиши тўғрисида қайуриши шартлиги белгиланаётган модда атрофлича муҳокама этилди, бу борадаги тақлиф қўллаб-кувватланди.

## ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА

Тошлоқ туман кенгаси ташабbusи билан туман марказидаги "Ахборот кутубхона маркази" мажлислар залида туман тибиёт бирлашмаси ходимлари ва маҳалла фаоллари иштирокида Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига багишланган давра сұхбати ўтказildi.

Ташкилотчилар мамлакатимизда конституциявий иштохотлар муҳим паллага кирганилиги, мазкур лойиҳа Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори билан умумхалқ муҳокамасига кўйилгани, жорий йилнинг 25 июнидан 1 август кунига қадар тарбибот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганилиги ҳақида гапириб бердилар.

Асосий қомусимизга олтида янги модда ва ўн олтида янги нормалар киритилаётганилиги ҳам йигилиш иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ўлим жазосининг тақиқланиши, "Миронда қоидасини" кўллаш зарурлиги шунингдек, "Хабеас корпуз" институтини ривожланиши, яъни фуқароларни суд қарорисиз хибсоналарда 48 соатдан ортиқ ўшлаб туришига йўл қўймаслиги ҳақида сўз юритти.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА

Арнасой туман ҳокимлиги залида мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари иштирокида ҳам тарбибот тадбiri ўтказildi.

Унда давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожланишига кўмаклашиши, ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотлariга ўқишига кириш учун мажбурий бир йиллик тайёрларидан ўтиш ҳуқуки кафолатланаётгани хусусида айтиб ўтилди. Бу тақлиф маннунинят билан қўллаб-кувватланди.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА

ЎзҲДП вилоят кенгаси Оқолтин туманида "Конституция – жамият пойдевори" мавзусида давра сұхбати ўтказди. Унда конституциявий иштохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун ҳуқуқий асос яратилиши ҳақида батафсил маълумот берилди.

Хусусан, инсон давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмuni ви маҳбал ҳамда энг олий қадрият бўйлиши қўзланаётгани тушунтириб ўтилди.

Киритилаётган ўзгаришларга мувофиқ, 40-моддада давлат соғликини сақлашнинг барча тизимларини ривожланиши, санитария-эпидемиологик осойишталикини таъминлаштиб сурғутнинг турли шакларини ривожланиши учун шарт-шароитлар яратishi кўзда тутилаётгани алоҳида кайд этилди.

Киритилаётган ўзгаришларга мувофиқ, 40-моддада давлат соғликини сақлашнинг барча тизимларини ривожланиши, санитария-эпидемиологик осойишталикини таъминлаштиб сурғутнинг турли шакларини ривожланиши учун шарт-шароитлар яратishi кўзда тутилаётгани алоҳида кайд этилди.

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА

Улуғнор туман кенгаси ҳамда депутатлик гурухи иштирокида "Учкўпrik" маҳалласида "Конституциявий иштохотларнинг ёшлар ва болалар ҳуқуқларини мустаҳкамлашдаги ўрни" мавзусида давра сұхбати ташкил этилди. Иштирокчиларга Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳияти, киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида ахборот берилди.

Хусусан, Конституцияда ҳар ким муносиб межнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфзислик ва гигиена талабларига жавоб берадиган кўллаб-кувватланган тартибида ишлаш, межнати учун ҳеч қандай камситлашсиз ва белгиланган межнатга ҳақ тўлашларнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишлизилдан конунда белгиланган тартибида химояланиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланаётгани ҳақида маълум қилинди. Иштирокчилар шу ва бошқа меъёларни кўллаб-кувватлашларни билди.

Хусусан, Конституцияда ҳар ким муносиб межнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфзислик ва гигиена талабларига жавоб берадиган кўллаб-кувватланган тартибида ишлаш, межнати учун ҳеч қандай камситлашсиз ва белгиланган межнатга ҳақ тўлашларнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишлизилдан конунда белгиланган тартибида химояланиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланаётгани ҳақида маълум қилинди. Иштирокчилар шу ва бошқа меъёларни кўллаб-кувватлашларни билди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА тайёрлади.

**СИФАТЛИ  
ОЗИҚ-ОВҚАТ  
МАҲСУЛОТЛАРИ  
ЕТИШТИРИШ –  
БАРҚАРОР БОЗОР  
ИҚТИСОДИЁТИ  
ГАРОВИДИР!**

Йил бошида 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилди, аҳоли учун ажратилиди. Одамларга уруғ, қучат ўйтдан ёрдамлаши бўйича "Томорқа хизмати" йўлга қўйилди. Томорқаларда маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзида 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Бундай имкониятлар натижасида маҳсулот кўпайиб, нархлар тартибида тушмоқда. Сўнгги бир ойда ички бозорда помидор нархи ўртача 3 бара-варга, бодиринг 10 фоизга, картошка 30 фоизга, сабзи 15 фоизга азонланади. Бундан ташқари, бир ойда 821 минг тонна ёки ўтган йилига нисбатан 102 минг тонна кўп мева-сабзавот экспорт килинди.

**Яна бир муҳим томони, ушбу ажратилиган ерларда 785 минг аҳолининг бандлиги таъминланди.**

Иштироқида туман ва маҳаллалардаги ижобий тажрибалар билан бирга камчилликлар ҳам очища мухокама килинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли таълифлари асосида янги имкониятларни белгилаб берди. Йил якунигача яна 20 минг гектар, келгуси йилда 100 минг гектар экин майдони аҳоли учун ажратилиши таъкидланди. Шунда жами 200 минг гектар бўлади.

Албатта, бу жуда катта имконият. Шу орқали қўшимча 1 миллион 200 минг аҳолини банд қилиш учун шароитлаши. Маҳсулот етиштириш ва сотишида аҳолига қўмаклаши учун маҳаллалардага хосилор уруғ ва қучат етказиш, кичик ҳажмали музлаткичлар ўрнатиши бўйича топшириклар берилди.

Буғунги кунда 64 та туманда аҳоли ўз томорқасида 3 марта ҳосил олмоқда. Ҳосил яхши бўлса, битта оила 60-100 миллион сўмгача даромад қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бо

## TIBBIYOT

**Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвакт аниқлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларни ҳёётга татбик этиши бўйича парламент комиссияси тузилиб, худудларда олиб борилаётган ишлар назорат-тахлил қилинмоқда. Хўш, бугун натижажа қандай? Аҳоли бирламчи тиббий хизматдан қанчалик мамнун? Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринbosари, парламент комиссияси аъзоси Мақсада Ворисова билан сұхбатимиз соғлиқни сақлаш тизимидағи ўзгаришлар, бирламчи тизимни янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида бўлди.



# ҲАР БИР ИНСОН САЛОМАТЛИГИ СТРАТЕГИК МАҚСАДГА АЙЛАНДИ

**— Сұхбатимизни жамият ривожланиши учун аҳоли саломатлиги қанчалик мұхим, деган саводдан бошласак.**

— Инсонга берилган неъматлар ичидә энг қимматлиси — саломатлик. Бу шунингдек, аҳоли турмуштарзи, ҳәтт фаровонлиги ва сифатинин мұхим күрсаткичи ҳамдир. Шу жиҳатдан у инсон капиталини ривожлантириш мақсадлари билан чамбарчас болғылар. Президенттимиз соғлиқни сақлаш соҳасини ҳалқымизга яқинлаشتариш, қуи тизимни кучайтиришни стратегик вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. Бунинг замонирида жуда кенг ва чуқур маънбо бор, албатта.

Соғлом жамият давлатнинг стратегик мақсади саналади. Шу боис соғлиқ нағафат одамлар, балқи жамият учун ҳам мұхим. Давлат бошқаруви самарадорлигининг асоси мезонларидан бири айнан аҳоли саломатлигидир.

— Сизнингча, соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг аҳоли турмуш даражасига таъсири қандай?

— Мамлакатимизда инсон саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом инсонлар сафинаи кенгайтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг омма ўртасида шакллантириш, оиласда тиббий маданияти ошириш, ҳар бир шахснинг саломатлиги ўз кўлида эканлигини аҳоли ўртасида кенг ташвиқот-тарғибот қилиш, бир сўз билан айтганда, соғлом жамиятни ташкил этиши катта ётибор қартилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси бирламчи бўғин билан бевосита алоқадор. Аҳоли саломатлигини яхшилаш кўл жиҳатдан соҳада мұаммолар тўпланиб қолган эди.

Президенттимиз март ойида "Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон кадри учун" мавзусида соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан илк бор очиқ мулокот ўтказди. Ушбу тарихий ушрашуда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, тизимли мұаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар мұхокама қилинib, тиббиёт ходимларининг таклифлари тингланган эди.

Очиқ мулокотга тайёргарлик доирасида тиббиёт ходимлари ва аҳолидан 25 мингдан ортиқ мурожаат ва таклифлар келиб, "Инсон кадри учун" деган эзгу ғоз асосида юртимиз соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиша ҳалқимизга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мазкур таклифлар асосида апрель ойида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ахолiga яқинлаشتiriш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, жорий йил давомида бирламчи тиббий-санитария ёрдами мұассасаларидан узок масофада жойлашган махаллаларда жами 1002 та маҳалла тиббиёт пунктини ва 276 та янги оилаский шифокор пунктларини ташкил этиши назарда тутилган бўлиб, ушбу тиббиёт пункти ва оилаский шифокор пунктлари зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши бўлгиланди.

Ўз навбатида "Қишлоқ шифокори" дастури токомилластирилиб, янги дастур асосида олис ва чекка худудлардаги оилаский шифокор пунктлари ва оилаский поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм микдорида ҳар ойлик устама ҳақи белгиланб, уй-жой қийматининг 50 фоизигача қисми маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан қоплаб бериладиган бўлди. Бундай қулайликлар бир вактлар тушга кириши амри маҳол эди.

Айтиш керакки, 2020 йил ноябрь ойида "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами мұассасалари фаолиятига мутлақа янги механизmlарни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармони имзоланиб, унга кўра, янгилangan мақсадли патронаж тизими жорий қилинган эди. Бугун, албатта, улар ҳам ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда.

— Парламентдаги комиссия бу борода қандай ишларни амалга оширимоқда?

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларни ҳёётга татбик этиши бўйича тузилган парламент комиссияси тиббиётдаги олиб борилаётган ислоҳотлар натижадорлигини мониторинг қилиш масаласини зиммасига олган. Комиссия томонидан ўтган илий қайтадан фаолияти тикланиши лозим болганд (ҚВП) оилаский шифокорлик пунктлари тўлиқ ўрганиб чиқди. Натижалар асосан қувонарли. Аммо айrim худудларда оилаский шифокорлик пунктлари биноларида таъмирлаш ишлари тўғри қилинмагани аниқланди. Бу масалалар тақиёдий-тахлилий кўриб чиқилиб, тегишилор чоралар кўрилди. Жорий йилда бирламчи тиббий мұассасаларнинг бугунги ҳолати доимий назорат қилиб борилмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида нафас йўллари билан боғлык касалликлар қандай, унга тиббиёт

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, СОҒЛОМ ИНСОНЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ОММА ЎРТАСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ, ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, ҲАР БИР ШАХСНИНГ САЛОМАТЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИДА ЭКАНЛИГИНИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА КЕНГ ТАШВИҚОТ-ТАРҒИБОТ ҚИЛИШ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, СОҒЛОМ ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КАТТА ЭТЬИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. МАНА ШУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИРЛАМЧИ БЎҒИН БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДОР.**

да қанчалик эътибор бериляпти, қандай камчиликлар борлиги тўлиқ ўрганилди. Зарур таклифлар ишлаб чиқиди. Бўйрак хасталиги бор беморларнинг ахволи ўрганилди. Уларнинг чет элларда эмас, балки зарур мулажаларни мамлакатимизда амалга ошириш учун нималар зарурлиги ҳам аниқланди. Тавсиялар берилди, бу бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Парламент комиссияси доимий мониторинг олиб боряпти, аниқланган камчиликлар бўйича мутасаддиларга зарур тавсиялар берилмоқда.

Комиссия аъзоларининг худудлардаги чиқишлиари биринчи ўринда куий тизим тиббий мұассасалар ҳолатини ўрганишдан башланади. 2021 йилда фаолияти қайta тикланиши зарур бўлган ташкилотларни ўрганиш жараёни барча депутатлар иштироқида ўтшу

ган. Ўрганишлар асосида ҳар бир худудда манзилли мәвлумотлар базаси йигилади. Тиббиёт мұасасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминлаш, бинолар, коммуникациялар ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқиди.

— Соғлиқни сақлаш тизимида оид қонунчиликда қандай ўзгаришлар амалга оширилмоқда?

— Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли ҳёёт, кайфиятига жиддий таъсир қиуловчи тармоқни яхшилаш бўйича кейинги йиллarda катта ишлар амалга оширилди. Малакали тиббий ёрдам билан ахолини тўлиқ таъминлаш, ихтинослашган ва юқори технологияни тиббий ёрдамни ахолiga яқинлаشتiriшга қаратилган Президент қарор ва фармонлари соҳада сезиларни бурилиш ҳосил қилди. Кейинги йиллarda қабул қилинган ва Президент томонидан имзоланган психиатрия ва наркология ёрдами тўғрисидаги қонунлар, жорий йилда қабул қилинган трансплантология тўғрисидаги қонун жамиятимиз учун мұхим янгилек бўлди, деб оламиз. Бугунги кунда токомилластирилаётган алкоголь ва тамаки махсулотлари истеъмолини чеклаш тўғрисидаги қонун ҳам мамлакатимиз ахолиси, айниқса, ёшлар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган мұхим кадам бўлади. Тиббиёт соҳаси Президенттимизнинг доимий дикқат марказида, шунинг учун ҳам мутасаддилар билан бир неча бор ўтказилган йигилишларда муаммолар, аҳоли томонидан кўтарилаётган масалалар чукур таҳлил қилинмоқда. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш кодекси ишлаб чиқилмоқда. Унинг қабул қилинши тизимдаги хуқуқий-меъбери хуҗжатларни янада тартиба гелтиради, соҳа вакиллари фаолияти учун ҳам, аҳоли манфаати учун ҳам хизмат қилади.

— Тиббиётдаги, айниқса, бирламчи бўғиндаги кадрлар етишмөвчилиги қандай ҳал қилинмоқда?

— Соҳани ривожлантириш, албатта, шу йўналишида фаолият юритаётган мутахассисларнинг замон талабларига қайд даражада жавоб берисига боғлиқ. Президенттимиз томонидан тиббиёт ходимларининг малакаси ва шахсий масъулияти масаласи бир неча марта жиддий масаласи тиббиёт сифатида қўйилди. Шунинг учун ҳам қабул қилинган қарорда айнан кадрлар тайёрлаш, уларга замон талабларида билим бериши таъминлаш, талабалар учун рабатлар берисига мұхим ўрин тутади. Унинг қабул қилинган қарорда айнан кадрлар тайёрлаш, уларга замон талабларида билим бериши таъминлаш, талабалар учун рабатлар берисига мұхим ўрин тутади. Унинг қабул қилинган қарорда айнан кадрлар тайёрлаш, уларга замон талабларида билим бериши таъминлаш, талабалар учун рабатлар берисига мұхим ўрин тутади.

Умуман, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгилек ва ўзгаришлар ҳар бир инсонга етиб бориши ҳамда саломат бўлишига кўмаклашишга хизмат килмоқда.

ник ординатура мутахассисларни ўқув реҳаларида мутахассисликка оид бўлмаган фанлар улуши 2 баробарга кисқартирилади, клиник ординатурага мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курсини вилоят даражасидаги тиббиёт мұасасаларида ташкил этишими ўйла қўйилади.

Бугунги кунда врачларга эҳтиёж кетасига инобатга олинниб, тиббиёт олий таълим мұасасаларни битирувчилари доимий яшаш манзили бўйича ройхатга олинган жойидан қатъи назар, давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган худудларда камида 5 йил ишлаб, касбий малакасини мунтазам ошириб, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиши жобий ҳолат. Бундан ташқари, врачлар учун узлукисиз таълимни ташкил этиш, моддий-техник базасини такомиллаштириш юзасидан фундаментал ўзгаришлар низада тутилган.

— Тиббиётга суғурта тизими жорий қилиниши ҳақида фикриниз қандай?

— Президенттимиз фармонига кўра, Сирдарё вилоятида тиббиётга давлат суғуртасини жорий қилиш бўйича тажриба синов жараёнлари олиб боримоқда. Бундай қарорга келишдан олдин дунёнинг кўплаб мамлакатларида тиббиёт тизимлари ўрганиб чиқиди, уларнинг ютуқлари ва камчиликлари таҳлил қилинди. Суғурта тизимини жорий қилиш учун мавжуд тизимнинг имкониятлари, аҳолининг бу тизимга муносабати ва тизим жорий қилиншининг аҳоли саломатлигига, ижтимои ҳолатга кўрсатадиган таъсирига объектив баҳо берилди. Кўшини давлатлардаги тиббий суғурта тизимидан фарқида сақлаш мұрасасига маблаг ўтказиш таълаб этилмайди. Балки давлат бюджетидан аҳоли жон бошига тўғри келадиган маблаг тиббий мұасаса хисобига ўтказилади. Аҳолидан эса ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиш (касалликни авж олдириб юбор-маслик мақсадида), врач кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш талаб этилади. Яна бир ижобий кўрсаткич, лойиҳа таркибида бирламчи тиббий мұасасаларни электрон ракамли башкарувга ўтказилиши, врач қабулига электрон навбат олиш, турли ҳисоботлар ва ёзишмаларни электрон бажариш имкониятидир. Шу йўсинда "Ордер" мұаммоси ҳам ижобий ҳал этилади.

“Ўзбекистон овози” мұхабири Гулруҳ ОДАШБОЕВА суғуртлашди.



## НАЙОТИУ НАҚИҚАТЛАР

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston\_ovozi | info@uzbovozi.uz | www.uzbovozi.uz

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ВА ШАФФОФЛИК



**Япония.** Бош вазир Ёсихида Суга парламентдаги дебатлар чоргиде узр сўради. У катта жиноят қилганий ўйк. Узр сўрашининг сабаби – унинг ўғли ички ишлар ва коммуникация вазирлиги вакиллари билан бирга овқатланган, шу холос.

**"Ўғлим мансабдорларнинг ахлоқ кодексини бузишларига сабабчи бўлгани учун кечирим сўрайман",** деган ҳукумат раҳбари.

Кёдо агентлигининг хабар беришича, Бош вазирининг ўғли бўлмиш Сейго Суга ва унинг ҳамкаслари вазирликнинг 11 нафар вакили билан бирга овқатланганда улар учун ҳам пул тўлаган.

Маълумот учун, кичик Суга продоссерлик компанияси ходими бўлган. Ички ишлар ва коммуникация вазирлиги эса продоссерлик компаниялари фаолияти учун лицензија беради. Шу тарзда **mansabdarlar manfaatdor shaxslardan sovg'a olishni taqiklovchi axloq kodeksinini buzishgan.**

**Яна бир ҳолат.** Япониянинг ҳукумрон коалициясидан бир неча амалод ҳукумат ресторон ва барларга ташриф буюриш бўйича кескин чекловлар киритганига қарамай, тунги клупларга боришган.

"Биз одамларга соат 20.00 дан кейин уйларида ўтиришини ва кераксиз сайрлардан тийилишини сўраган бир пайтда бундай воқеа бўлганидан жуда афсусдаман. Ҳар бир конун чиқарувчи жамиат томонидан тўғри қабул қилинши учун ўзини муносаби тутиши лозим", деб айтган Суга.

**Марокаш.** Марокашнинг касб-хунар таълими вазири Абделадим Эл Гуерроуж коррупцияда айланади. **Вазир давлат маблағларидан ўзи учун шоколад сотиб олишида айланган.**

Айтилишича, гўёки ўғлининг тугилиши мусобабати билан шоколад сотиб олган вазир шоколаднинг давлат маблағлари билан хисобкит қилган.

**Эстония.** Таълим ва фан вазири Маилис Репс ўз хизмат машинасида болаларни мактаб ва клубларга олиб борганидан ОАВ, кенг жамоатчилик хабар топгач, истеъфога чиқди.

**"Мен вазир ва онанин роли үйғунлиги мусобабати билан кучли босим остида қолдим. Мен хато қилганини тан оламан ва кечирим сўрайман",** деган Репс.

### ХАЙДОВЧИННИНГ САВОЛИ

**Ўзбекистон.** Бир куни таксига ўтиришга тўғри келди. Келишувдан кейин ҳайдовчи gap бошлади.

– Ҳозиргина йўл ҳақини атайлаб иккى барбор киммат айтганимда, ўзингиз сезмаган ҳолда менга ҳайратланиб қардингиз, – дейди ўзини Бахтиёр, деб таништирган ҳайдовчи.  
– Мен бу ишни бекорга қимадим, сабаби бор. Ҳозирда ижтимоий тармоқларда, қолаверса, кўпчилни аҳоли бир-бираша эшигдинизми, хабарнинг бўлдими, бир ташкилот битта тадбир учун фалон миллиард сўм сарф килибди, деган гап-сўзларни кунига бир неча бор эшитаяпман. Бели оғриб пул топмагандан кейин олди-орқасига қарамай, ишлатаверадида-а? Мен бу гапни ичим ачиғанидан айтаяпман. Киракашлик қилиб, бир сўмни икки сўм қилиш учун қанча ҳаракат қила-

миз.

Тўғрисини айтсан, пойтактимиздаги меҳмонхоналарнинг бирида ошпаз бўлиб ишлардим, бу орада мустақил бўлдик, кейин болаларим катта бўла бошлади, хуллас, қинчиллик йилларида ўзимни бозорга урдим. Шу билан фарзандларимни ўқитдим, уйлижойли қидим. Тадбиркорлик қилибмизу пенсияга чиқиши ўйламабмиз. Бугун пенсиямиз 633 минг сўм. Нолисак бўлмас. Ҳали кучдан колганимиз ўйк. Айтмоқчи бўлганим, фалон миллиардга қанча оддий оиласинг кам-кўсти битиши мумкин эди. Ҳисоблаб кўринг, бир миллиард пул йигилиши учун менга ўшшаган пенсионерларнинг қанчасининг пулини йиғиши керак бўлади? Бу пулга қанча иш жойи яратса бўлади? Шу нарсаларни ўйлаб, бироз хафа бўлдим.

Энди бир гапни айтай, кечки вақтларда яхши жойда ишлайдиган ёки бирон бир идоранинг раҳбарига ўшшаган инсонлар машинамаг чиқиб қолса, нархни икки баробар кимматроқ айтаман, атай. Уларнинг ҳажаличиқиб кетишини кўрсанг эди. Пулни ўз чўнтигидан тўлайди-да, ортича ҳаражат қилгиси келмайди. Лекин давлатни билан беҳижолат кетаверадими?..

### ДАВЛАТНИКИ БЕҲИСОБ ЭМАС

"Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган. Қонун давлат харидларининг очиклигини ва шаффофлигини ҳамда бо соҳада тадбиркорларнинг рақобатини таъминлаш, давлат бюджети, марказлаштирилган манбалар ва давлат улушибига эга бўлган корхоналар маблағларидан самарала фойдаланишга имкон яратади.

Қонун қабул қилинишидан аввал мазкур соҳа 30 дан ортиқ норматив-ҳукукий ҳожжатлар билан тартиба солинган. Давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд бўлмаган. Бунинг натижасида ҳукукий коллизиялар вужудга келган. Кўп босқичли келишувлар коррупцияга шароит яратган ва кўн вақт йўтишига сабаб бўлган.

Унда давлат маблағлари ҳисобига харид қилинадиган маблағлар очик, тўғри сарфлашни бўйича мухим қоидалар белгиланган. Ҳусусан, қонуннинг 56-моддасига кўра, Президент фармонлари ва қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳукуки берилса,

харид қилиш тартиб-таомили давлат хариднинг суммасидан қатби назар, танлаш орқали амалга оширилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўймати базавий хисоблаш миқдорининг 25 минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг, жорий нархларда 1,8 млрд сўм) баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник топшириклар конунчилиқда белгиланган тартиба экспертиза учун Иктисадий тараққиёт ва камбағалларни қисқартириш вазирлиги хузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази"га киритилади.

Давлат харидлари электрон тизими портала яратилган. Унда вазирлик, кўмита, агентлик, корхона, ташкилот ва идоралар томонидан тузилган шартнома ва битимлар ҳақида тўлиқ маълумот жойлаб борилади. Бу конун талаби. Яшириш мумкин эмас.

Порталдаги маълумотга кўра, шу кунгача 42 мингдан ортиқ савдо битимлари амалга оширилган. Шуардан 200 га яқини 1 миллиард сўмдан юқори бўлган миқдордаги маблағларни ташкил этмоқда.

Мисол учун, "Ўзқимёимпекс" корхонаси 14 июль куни попилорпелин қопларининг бир донасини 79 минг 728 сўмдан 10 минг дона сотиб олиши учун 797 миллион 280 минг сўмлик маблағ сарфлаган. Корхона шу куннинг ўзида яна 300 минг дона қопнинг ҳар бирини 3 минг 224 сўмдан сотиб олиш учун 979 миллион 200 минг сўм сарфлаган.

Қизиқарли, ўйлантириб кўядиган, ҳатто ҳайрон қолдиридан мисолларни узоқ давом этишира мумкин. Лекин ҳозир пул эмас, масаланинг сиёсий ва бошқа жаҳатлари ҳақида ҳам фикр юритишига мажбурмиз.

### МАМЛАКАТ ОБРУСИ МИЛЛИАРДДАН ҚИММАТ

Бугун Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдондаги имижини ўзгариши учун катта меҳнат бошланган, бутун дунёда мамлакатимиз ҳақида янгича таассурот ўйғотиш учун заҳмат

чекилмокда. Жаҳонга очиқлик, ошкоралик ва шаффофликка асосланган демократия қадриялар билан қучоқ очиши учун жуда катта амалий ишлар қилинмоқда. Яқин-яқинча жуда кўплаб ҳалқаро индекс ва рейтингларда ёнг охирги погоналарда бўлганимиз ҳеч кимга сир эмас.

Биргина давлат харидлари мавзусини олайлик. Совет даврида, ҳатто яқин-яқинча давлат харидларини мухокама қилиш бир ёқда турсин, шартномаларнинг изини ҳам топиб бўлмасди. Катта ҳаракат билан бу камчиликлар тўғриланыпти. Бугун ким қарбонома тузатиб ўзи ўйнапти. Биз шунга гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу масалада шаффофлик, ошкоралик сари дадил қадам ташланыпти. Ҳалқаро ташкилотлар, майли, ҳалқимизнинг олдида давлатнинг, амалдорларнинг масъулияти, жавобгарлиги ортапти. Давлатнинг қиёфаси буд учун, фуқаролар учун тўлук очилмоқда.

Айни кунларда ҳамманинг оғзига тушган, одамларнинг мухокама мавзусига айланб қолган давлат маблағларини кўп миқдорда сарфланиши яна бир асосий масала бор. Давлат харидлари порталаидаги айrim шартномаларни, улардаги рақамларни кўриб, одам ўйланниб колади. Дунёда оғир вазият бўлиб турганда, озиқ-овқат етишмайдиганда, нимага айrim мутасадди раҳбарлар ортича ҳашамдорликка муккасидан кетиб қоялти?..

Нима учун мутасаддилар оддий фуқаро билан тенглини унтиб қўймоқда? Ўзларини қандайдир имтиёзли одамлармиз, деб ўйлади?..

Энди шу саволларни юқоридаги мисоллар билан кўшиб ўйласак, кўп нарса ойинлашади.

Япония Бош вазири, ҳукумат бошлиғидир. У кечирим сўрган масала биз учун арзимас кўринади. Лекин Японияда очиқлик, шаффофлик жуда юқори даражада. Уларда ҳам "ёпиқлик" даври бўлган. Бугунги Япония ҳам биз бошимизда кечираётган ўтиш даврини босиб ўтган. Ҳозир эса японларда бирор-бир ишни ошкор қилимасликнинг хатосини тан олишида, айборлик ҳиссида.

Битта нарсан бозор нархидан 5-10 баробар кимматга олган, шунга бош бўлган раҳбар, мутасадди бир умр ҳалол ишлаган онасига қандай қарайди? Мактабда, университеттада таълим олиб, ўзксак идеаллар ҳақида орзу қилидиган фарзанди билан нима ўзгарида. Битта кечирим билан нима ўзгарида. Масаланинг мөхијати кечирим сўрасда ёнг мутасаддиларни тан олишида, айборлик ҳиссида.

Битта нарсан бозор нархидан 5-10 баробар кимматга олган, шунга бош бўлган раҳбар, мутасадди бир умр ҳалол ишлаган онасига қандай қарайди? Мактабда, университеттада таълим олиб, ўзксак идеаллар ҳақида орзу қилидиган фарзанди билан нима ўзгарида. Битта кечирим билан нима ўзгарида.

Мажлисда, одамлар билан мулоқот тадбирларида конун устуворлиги, ҳукуқлар тенглиги, фидоийлик ва ватанпарварлик ҳақида маъруза ўйидиган музоммад амалда бу гапларига мутлақо тескари ишларни қилса, бундай музоммилар қалбини, киёфасини йўқотиб қўймайдими? Бундай мутасаддилар янада пастроқ ишларга арача маслигига кафолат бўладими? Оқибатда амалдорлардан оддий одамларнинг ихлоси бутунлай қайтиб қолиши мумкин. Бу давлат ва жамият учун мудҳишлик келитиради.

Амалдорлар, мутасаддилардаги нуқсонларни даволайдиган, давлатнинг ҳалқаро майдондаги масъулиятини амалда таъминлайдиган энг тўғри ишлайдиган механизм очиқлидир. Бу қийин йўл, мураккаб синов. Бир неча йилдирки, давлат шуну зиммасига олди, ҳамма маълумотлар бирин-кетин очиляпти, пардалар кўтиларни ташкил этипти. Ҳар хил кўнгилсиз рақамлар, кутилмаган фактлар чиқяпти, бу оғрикли тузалиш жараённинг бир кисми ҳали. Лекин мана шу оғриклини жамияти учун, минглаб амалдорлар учун тарбиявий аҳамияти ҳам жуда катта бўляпти.

**Тоштемир худойқулов,  
Ахмад КУРБОНОВ,  
"Ўзбекистон овози" мухбирлари.**

|   |                                  |   |                                       |
|---|----------------------------------|---|---------------------------------------|
| Lot raqami: 22111007065931  | Tugash muddati: 14.07.2022 12:43 | Lotning boshlang'ich summasi: 522,397,202.00 So'm | Kontrakt summasi: 501,501,313.92 So'm |
| <b>Сирдарё-Сух Иргизия тизимлари хавза бошкармаси хузуридаги Насос стансиялари ва энергетика бошкармаси</b> |                                  |   |                                       |
| Lot raqami: 22121007065899  | Tugash muddati: 14.07.2022 12:32 | Lotning boshlang'ich summasi: 885,000,000.00 So'm | Kontrakt summasi: 743,400,000.00 So'm |
| <b>"OZNEFTEGAZ BURGULASH ISHLARI" MChJ</b>  |                                  |   |                                       |
| Lot raqami: 22121007065885</  |                                  |   |                                       |

## ХОТИРА

# МАРД БЎЛИБ ЯШАШ БАХТИ

**80-ЙИЛЛАРДА, ВАҚТЛИ МАТБУОТДА САФАР ОСТОНОВ**  
**ИМЗОСИ БИЛАН ЧИҚКАН ҲАР БИР МАҚОЛА ҲАМИША**  
**ШОВ-ШУВЛАРГА САБАВ БҮЛГАН. БИР ҚАРАСАНГ УНИНГ**  
**АРАЛАШУВИДАН СҮНГ КИМДИР ИШИГА ТИКЛАНГАН,**  
**БИР ҚАРАСАНГ КИМНИНГДИР УЙИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛГАН,**  
**БИР ҚАРАСАНГ БИР ФИДОЙИ ВРАЧ ҲАМОҚДАН ОЛИБ**  
**ҚОЛИНГАН, КИМДИР ТЕРГОВДАН СҮНГ АЙБСИЗ ДЕБ**  
**ТОПИЛГАН, КИМНИНГДИР БОЛАСИ ҮҚИШИГА ҚАЙТГАН,**  
**КИМНИНГДИР ОИЛАСИ ТИКЛАНГАН, КИМГАДИР НАФАҚА**  
**АЖРАТИЛГАН, ҚАЙСИДИР ЕТИМЛАРНИНГ БОШПНАСИГА**  
**ЭГАЛИК ҚИЛГАНЛАР ҚОНУН ОЛДИДА ЖАЗОГА ТОРТИЛГАН**  
**БҮЛЛАРДИ. У КУЧЛИ ЮРИСТ ЭДИ.**

Унинг ҳар бир чиқишини мамлакат диккат билан кузатар ва "Сафар Остонга дуо кетган, у барибир ҳақиқат қарор топмагунича кўймайди", дейишар эди. Ростдан ҳам у арашашгандан ишлар унинг муваффақияти билан тўғрироғи, у химоя килган жабрланувчилининг ғалабаси билан тугар эди.

Унинг мақалаларининг натижаси бъязан йиллаб кутилар эди. Уюшган жинояларни фош этишига қаратилган чиқишиларидан сўнг ҳаёти хавф остида қолган йиллар ҳам бўлган.

Сафар Остонов. Юздан нур ёғилиб турдиган, кичик жуссали, катта қаладиган, кичик ҳуслари, хушумомила бу одамни хеч қачон ёлғиз кўрмаганман. Унинг ёнида ўзидан иккита келадиган басавлат половонлар, спортичилар, эл ётиборидаги санъаткорлар, ёзувчилар, шоирлар хуласа, машхур инсонлар бўларди.

1989-йил баҳор ойи эди. Туғилиб ўғсан қишлоғимдан бир автобус ҳамкишлодарим Тошкентда Марказий қўмитага ва Вазирлар Мажхамасига шикоят билан келишиб. Қишлоғимизнинг содда ва беғубор одамлари "Борамизу мемонхонага жойлашамиз", деб ўйлашган экан. Бундай пайт валломати ҳам уларни мемонхона жойлаш олмасди. Қанча уринмай 31 кишига мемонхона тополмадим. Тўрт ҳонали уйимизга барчасини таклиф килишдан бошقا чора қолмади. Самарқандинг Нарпай тумани, "Оқ олтин" колхозидан аёлу эркак аралаш уларни Тошкентга етаклаб келган муммалор: Нарпай тумани (ўша пайтдаги номи) райкомнинг 1-секретарира ёқмал олганлар учун гарчи колхозни катта қарздорликдан олиб чиқкан, пахта режасини биринч бўлиб бажарадиган, мактаб ва катта кутубхона қўрган, йўлларни асфальтлаган, маҳаллаларга ичимлик суви олиб келган "Оқ олтин" колхозининг раиси, барчага отадек бўлиб қолган Абдуназар Ахмедовнинг ноҳақ ишдан олиниши ўнгина колхозга тегиши қишлоқларни умуман билмайдиган, муммаларини ечишига ақли етмайдиган, сўконгич бир одамнинг раис қириб тайинлангани экан. Қишлоқдан келганлар Марказий қўмитага ва қишлоқ хўжалиги вазирлигига учрашиди, шикоят аризаларини қолдиришиб ва мендан кусли бир журналист топиб колхозга олиб боришини илтимос қилишиб. Мен хеч иккимай Сафар Остоновнинг ҳузурига бордим. Сафар ака кабинетидаги йўқ экан. У билан бир хонада таникли журналист Норқобил Жалилов ўтирас экан. "Сафар ака бизнинг колхозда содир бўлган ноҳақликни ҳал қилишга борармикин, ҳал қила олармикин?", деган саволимга Норқобил Жалилов "Оддий ва ҳалол одамларга азият етётгани, эл ҳурматли лойиқ раҳбар бадном бўлётганига ишонса Сафар ака албатта, боради ва адолатни қарор топтиради, чунки у кишига дуо кетган", деди. Мен Сафар аканни кутдим ва ўша куни унга колхозимизда бўлган қонун-

бузарликни гапириб бериб, ҳамкишлодарим ёзиб келган аризаларни кўрсатдим. Хуллас, Сафар Остонов Нарпайга борди. У бир ҳафта Нарпайдаги юрди. Аризалир билан учрашиди. Ишдан ноҳақ олинган раис Абдуназар Ахмедов билан кўришиб, у амалга оширган ишлар билан батафсил танишиб. Далаларга бориб кўли ишдан совиган меҳнаткашларнинг дардига кулоқ солди. Абдуназар Ахмедов ташкил қилиб, гўшт ва сут этишириш бўйича вилоят миқёсида олдинда бораётган ҷорвачилик комплекси ишларни ўрганди. Иккита кун Абдуназар раисдан яхшилик кўрган ногиронлар, кам таъминланганлар, раис уйларини таъмирлатиб берган якка-ёлғизлар, ундан эъзоз кўрган нуронийларни қабул килиди. "Сафар Остонов келиби", деб ёширган "Янги сарой", "Хўжақўргон", "Явузхўр", "Оқота", "Кўкота", "Қарчигай", "Тоткент", "Тевакўргон", "Норбог", "Ҳаққикат", "Башандок" каби қишлоқлардан одамлар келиб раисни ўз ўнгига қартишига ёдам беришини илитимос қилишиб. Ҳар бир қишлоқ оқсоқоллари журналистга аризалар қолдириб ишончи билдиришиб. Албатт, аризаларни ўрганиши жараёнда Сафар Остонов райком секретарига ҳам, халқнинг норозилигига қарамай кабинетни эгаллаб, тиля тишларини яраклатиб машинасида у ёқдан, бу ёқка юрган янги раисга ҳам учрашиди. Орадан бир ҳафта ўтиб "Туркистон" газетасида катта мақола чиқди. Марказий қўмита ва қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳусоласали ва Сафар Остоновнинг мақолоси Самарқанд вилояти раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, ҳалқ ҳурмат қилган раис Абдуназар Ахмедов ўз ишига тикланди ва нафақага чиққанича эллининг эъзозидаги раҳбар бўлиб ишишади.

Ўша-ўша бизнинг қишлоқдагилар Сафар Остоновни қариндошларидек яхши кўриб тўйларига, ҳосил байрамларига, юбилеяларига қаҳришидаги бўлишиб. Сафар ака ҳам ўзи билан эл севган санъаткорларни олиб борар, Абдуназар раисининг укасидек барчага яқин бўлиб қолган эди.

Олий Мажлисга сайловларда нарпайлар

ликлар Сафар Остоновни қанчалик ҳурмат

қилишларини исбот қилишиб. Остоновга энг

кўп овоз берди. Унинг депутатлик учрашив

лари байрамга айланб қетарди. Ҳали-ҳамон

нарпайлар у азиз инсонни яхши хотира

лар билан эслашади.

\* \* \*

Тақдирнинг тақозоси билан мен ишлаб турган "Саодат" журнали ёпилиб қолган йилларда Сафар Остонов мени ўзи раҳбарлик қилаётган "Спорт" газетасига, бўлум бошлиғлигига ишга қабул қилди. Турли даврларда, турил ном билан аталиб, ўзининг тургун жойига ҳам эга бўлмаган газетани "Спорт" номи билан атаб, "Пахтакор" метро



бекати ёнидаги "Ёшлик" спорт аренасидан жой олган Сафар ака газетанинг ададини 70 мингдан оширишга эришиди. Унинг икки тида чиқадиган газеталарида машҳур журналистлар билан бирга ёш ва истеъододи журналистлар ишлашади. Газета киска вақт ичидаги ёнидаги газеталардан бирига айланди. Ҳар ой охирида таҳририят вилоятларга борар, бир автобус бўлиб таничи спортичилар ва санъаткорлар, шоира ва ёзувчилар катта-катта спорт майдонларида спорт байрамларни ўтказар, ўша ҳудудлардаги кекса спортич муррабийларни байрамдағи ўтказар, уларни тақдирлар, ёшларга ўрнак қилиб қўрсатар, дуоларни олар эди.

Сафар Остонов ҳар бир спорт байрамига алоҳида таҳёрланник кўрар, вилоят раҳбарлари билан бевосита боғланар, оммавий аҳборот воситаларини жалб этарди.

Совгалир ва байрам ташкилотчиларни рағбатлантириш, транспорт учун маблағ топар ва шу билан бирга газетанинг жамғармасига ҳам йирик-йирик пул туширади.

Пахтакор - 79"нинг доврукли жамоаси. 1979 йил 11 август...

... Бир кун Сафар акага айрим футболчиларнинг оила аъзоларини топиб бўлмаётгани, қайсида чет элга кўчиб кетгани, қайсизидир яқинлари қай манзилдагиги ноҳамолумлигини айтдим. Шунда улар "Топганингизча ўзинг, йўқса ҳозир борлари ҳам бирин-кетин қариди ва қимматли маълумотларни келажак авлод унтутиб юбориши мумкин", дедилар. Мен эса "Зўрларни унтиб бўлмайди", дедим. Сафар ака эса "Зўрларни билган одамларни топиб, ёзиб қолинмаса кеч бўлади. Афуски, инсоният тарихида не-не зўрларни унтилиб кетмокда ёзиш кеरак, ёзишга улгурниш керак", деган эдилар. Билмадим, ўшанда Сафар ака нималарни ҳаёл қилиб айтган экан. "Пахтакор - 79"нинг ҳурирасига ўтнитилган ҳайкал пойига ҳар йили 11 августда гуллар қўйишга борганимизда сафнинг бошида турдиган азиз инсон Сафар Остоновнинг бу йил каторда бўлмаслигини ким ҳам ўйлади.

У ҳеч қачон баланд товушда гапирмаган, аммо ёзганлари ҳайқирб турарди. Унинг ёзувлари ҳақиқат учун изидан қайтмас ўйларден наъба тортарди.

У журналист сифатида кураш майдонидан ҳеч қачон боз эгиг қайтмаган. Унинг овози ҳалолликни тўсмоқчи бўлган "хитой деворлар"ини йиқитар, макр тўрларини улоктирав, тухмат зинданларининг темир қапқолларни бир уриб очар эди.

Чунки у мард эди. Мард келди ва мард кетди.

**Зулфия Мўминова,  
шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими.**

## БИЛАСИЗМИ?



18 ёшгача ногирон болани парваришилётган ота-оналарга ойлик нафақа берилади

Ўзгалар парваришига мухтоҳ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида нафақа тўлови (парваришига нафақаси) жорий этилган.

Бунда, парваришига нафақасини тўлаш ва етказиб берин харажатлари республика бюджети маблағлари хисобидан қопланади.



Олис ва чекка ҳудудлардаги ойлавий шифокор пунктларига ишга кирган шифокорларга пул маблағлари берилади

Бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ойлавий шифокор пунктлари ва ойлавий поликлиникаларга ишга қабул қилинганда камиди 3 йил ишлаб берин шарти билан 300 минг сўм миқдорида бир марталик бошлангич ёрдам пулни, ўй-жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат ўй-жойлари берилади ёки БХМнинг 2 баравари (600 минг сўм) миқдорида ҳар ойлик ижара тўловлари компенсация қилинади.



**Ходим қайси ҳолатларда ишга қўйилмайди?**

Ходим қуйидаги ҳолатларда ишга қўйилмайди:

- мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлагандага;
- ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилади;
- карантинли ва одам учун хавфли бошқа юкумли касалликлар тарқалиши таҳдида бўлганда профилактик эмлашдан ўтиш рад этилганда;
- алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатига;

Ходим ишдан четлаштирилган даврда унга иш хаки хисобланмайди.

Ходим гайрикунуний равишда ишдан четлаштирилганда ходимга етказилган зарар иш берувчи томонидан қоплаб берилади.



**Божхонадан қанча миқдордаги товарни бож тўловларисиз киритиш мумкин?**

Жисмоний шахслар қуйидаги миқдорлардаги товарларни божхона тўловларини тўлашмасдан ўзбекистонга олиб кириши мумкин:

- Ўзбекистоннинг халқаро аэропортлари божхона чегаралари орқали олиб ўтишда - 2 000 АҚШ доллар;
- Ўзбекистон Давлат чегараларининг төмр йўл ва дарё божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда - 1 000 АҚШ доллар;

- Ўзбекистон Автобус тарбијати тартиб ўтказиб берадиган тарбияларни ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда - 300 АҚШ доллар;

- халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун - 1 000 АҚШ доллар;

- халқаро почта жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун - 100 АҚШ доллар.



**Ходимлар учун туристик йўлланмаларни сотиб олиш харажатлари уларнинг даромади сифатида кўриб чиқилмайди**

Ички туризм соҳасида 2025 йил 1 январгача қуйидаги тартиб жорий этилган:

- иш берувчининг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туризтик йўлланмаларни сотиб олиш харажатл

# DUNYOGA NIGOH

+40  
+45 Коракалпостон  
Республикаси  
Хоразм

+40  
+45 Бухоро  
Навоий

+39  
+43 Тошкент  
Самарқанд  
Жиззах  
Сирдарё

+40  
+45 Қашқадарё  
Сурхондарё

+37  
+42 Андижон  
Наманган  
Фарғона

+39  
+41 Тошкент  
шахри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



## ЎЗБЕКИСТОН, АФГОНИСТОН ВА ПОКИСТОН БИР ЙЎЛДА

"Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар" трансафон темир йўл лойихасининг тахминий қймати \$5 миллиардни ташкил этади. Узунлиги 600 км бўлган темир йўл Марказий Осиё мамлакатлари учун Покистоннинг йирик денгиз портларига чиқиш йўлни очади. Лойихани амалга ошириш мақсадида Афғонистон худудидаги темир йўлнинг ўйналиши ва техник-иқтисодий асосларини аниқлаш бўйича экспедиция ишлари бошланди.

Лойиха тўлиқ амалга оширилса, Покистондан Узбекистонга юк ташиш бир ой эмас, бир ҳафтага қолмасдан етиб келади.

Битта контейнеридаги юкни ташиш нархи қарийб уч баробарга арzonлашиши кутилмоқда. Шу билан бирга, ушбу ўйналиш бўйича юк ташиш ҳажми 10 миллион тоннага этиши мумкин.



## "ЕВРОПА, ГАЗ, РОССИЯ"— АЖРАЛМАС УЧЛИК

"Газпром" Европа компанияларига форс-мажор ҳолатлар туфайли Европага газ етказиб берини кафолатлай олмаслиги ҳақида билдиришнома ўборди. Бу ҳақда "Реутерс" агентлиги хабар берди.

"Реутерс" манбасининг айтишича, бу хабар "Шимолий оқим 1" газ қувури орқали газ етказиб берини билан боғлиқ.

"Газпром" май ойидан бошлаб Европага газ етказиб берини қисқартиришни бошлади. Июн ойи ўрталарида компания "Шимолий оқим 1" газ қувури орқали газ ташиш ҳажмини (бу Украинада уруш бошланганинг кейин Россия газини Европага етказиб бериниши) номинал қувватнинг 40 фоизигача қисқартирилганини ёълон қилди.

"Газпром" буни Виборгдаги Портовая

компрессор станцияси учун Сиеменс турбинаси таъмирдан қайтишининг кечикиши билан изоҳлади. Турбина таъмирлаш учун Канадага юборилган ва уруш бошланганиндан кейин санкциялар остида қолганди. Кейинчалик Канада Германиянинг илтимосига биноан турбинани Россияга қайтиришга рози бўлди.

## ЕВРОПАДА ЖАЗИРАМА

Испания ва Португалияда жазирама исисик оқибатида ҳозиргacha қўрбон бўлганлар сони 1000 нафардан ошиди. Бу ҳақида БНО Hewson нашири маълум қилмоқда.

Маълумотларга кўра, Португалияда бир неча кун давомида ҳаво ҳарорати 47 даражага етган, бу эса 238 кишининг ўлимига сабаб бўлган. Испанияда эса 400 нафарга яқин одам жазирамадан ҳалок бўлгани ай-



тилганди. Уларнинг баъзилари иш вақтида вафот этган.

Мутахассисларнинг фикрича, Португалиядан Франциянинг марказий қисмigaча ва жануби-шарқий Европадаги ҳудудларда иссиқлик тахминан 20 кун ва ундан кўпроқ давом этиши мумкинлигидан хавотирга тушишмоқда. Уларнинг айтишича, иссиқлик июль ойининг охиригача ёки августгача давом этиши мумкин.

## ШРИ-ЛАНКАДА ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁССИЙ ИНҚИРОЗ

"Парламент Буш котиби Президент Готабая Ражапакс Конституциянинг 38-моддаси 1-кисми "б" бандига мувофиқ, 2022 июн 14 июндан бошлаб президентлик лавозимини тарк этганини маълум қилди", дейилади парламент хабарида.

Хозирда Президент вазифасини Буш вазир Ранин Викрамасингхе бажармоқда. У ҳам Президентликка асосий номзодлардан бири.

Шри-Ланкада бир неча ойдан бери нархларнинг кўтарилиши, озиқ-овқат ва ёқилги этишмаслиги сабаб норозилик намойишлари ўтказилаётганди. Кундалик товарлар кескин кимматлашиб, инфляция даражаси 50 фоиздан кўтарилиб кетганди.

Шунингдек, мамлакатда валюта захиралари деярли тугагани сабабли бошқа давлатлардан товар сотиб олиш учун етарли маблаг колмаганди. Электр тармоғидаги узишлишар ҳам одатий ҳолга айланниб котган. Доридармон етишмаслиги соғлиқни сақлаш тизимини инициатор ёқасига олиб келган.



Колаверса, автобус, поезд ва тиббий транспорт каби муҳим хизматлар учун ёқилги этишмовчилиги жиддий тус олган. Мактаблар ёпилган ва одамлардан ресурсларни тежашга ёрдам бериш учун уйдан ишлалашлари сўралган.

## РАМ НАТҲ КОВИНД ПОСТНИ КИМГА ТОПШИРАДИ?

Жорий йилнинг 18 июль куни Ҳиндистон-да 15-Президентлик сайлови ўтказилди.

Айнан вақтда Рам Натҳ Ковинд Ҳиндистоннинг амалдаги 14-Президенти ҳисобланади. Ҳиндистон Конституциясининг 56-моддасига кўра, Ҳиндистон Президенти беш йил муддатга сайланади. Амалдаги Президентнинг ваколат муддати 24 июлда тугайди.

Ҳиндистонда Президент парламент ва штатларнинг конун чиқарувчи органлари аъзоларидан иборат сайловчilar томонидан



сайланади.

Овоз беришда 4896 нафарга яқин депутат иштироқ этилоқда. Натижалар 21 июль, пайшана куни ёълон қилинади.

Давлат раҳбари лавозимига асосий даввогар ҳукмрон Бҳаратия Жаната партияси (БХП, Ҳиндистон халқ партияси) Драупади Мурму бошчилигидаги Миллий демократик алиансдан номзод бўлиб турибди. Унга муҳолифатнинг ягона номзоди, тажрибали ўзбекистоний Ҳашим Синха ракоатбати.

Ҳиндистон Президенти миллат рамзи хисобланади, у давлат бошлиги ва олий қўмондондир. Бирор, аслида унинг функциялари номинал бўлиб, мамлакатдаги ҳақиқий ҳокимият Буш вазирiga тегишили.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ**  
тайёрлади.

# ҲАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР



лов, Икромиддин Боймаҳаммадов ва Шерзод Шайматов эди.

Шунингдек, Арманистон давлатида бўлиб ўтган 33-Ҳалқаро биология олимпиадасида ҳамда Норвегиянин Осло шаҳрида ташкил этилган 63-Ҳалқаро математика олимпиадасида ўқувчиларимиз биттадан бронза медалини қўлга киритишиди.

Биология фанида бронза медали билан тақдирланган Азиза Абдувалиева Тошкент педиатрия институти академик лицеи ўқувчisi бўлса, математикадан совринли ўриндан жой олган ўқувчимиз Лазизбек Ражаббоев Қорақўл Халқаро математика мактаби ўқувчиси хисобланади.

Улар дунёнинг юзлаб мамлакатларидан келган ўқувчилар орасида мана шундай ютуқларни қўлга киритишига муваффақ бўлишиди.

Энди улар белгиланган тартибга кўра, олий таълим муассасига тест синовларисиз, давлат гранти асосида қабул қилинади.

Бундан ташқари, кумуш медаль соҳиблари 90 миллион, ўқитувчilariga эса 75 миллион сўм, бронза медали билан тақдирланган ўқувчилар 60 миллион сўм, ўқитувчilari эса 45 миллион сўм пул мукофoti билан тақdirлaniшиadi.

**Жамшид АМИРОВ.**

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 741. 1850 nusxada bosildi. О'зА yakuni —

Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqt — 00:50

т — Tijorat materiallari

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTİYASI  
MARKAZIY KENGASHI



# ЁЗ ЎТСИН – СОЗ



Бугун болалар оромгоҳлари болажонларнинг шодон қийқириғи, ўйин-кулгиси билан тўлган. Уларнинг мириқиб ҳордик чиқариши учун кулаги шароит яратиш билан бирга, бу ерларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шу жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда оромгоҳларга биринчирилган ходимлар томонидан кўргазмали тарғибот материаллари ҳамда маҳсус техникалар болалар билан турли учрашувлар, түшнитишишлари, викториналар ва давра сўхбатлари ўтказиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида ёш авлодни ёнғин-кутқарув соҳасига қизиқтириш, уларни фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга ўргатиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўзлашибарига, маҳсус техникаларнинг тактик имкониятлари, жиҳозларининг вазифалари ҳақида маълумотларга эга бўлишишмоқда.

Кармана тумани ҳудудидаги "Ишонч" номли болалар согломлаштириш оромгоҳи ҳамда Навбахор туманидаги "Сармиш" оромгоҳида ҳам шундай тадбирлар ташкин этилди. Дастрлаб туман хокимлиги ҳамда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда мавсум давомида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида оромгоҳларнинг мавсумга тайёргарлик ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликларни кисқа мuddатда бартараф этиш, дам олуви болалар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мароқли дам олишлари учун кулаги шарт-шароитлар яратиб берилади.

Жумладан, оромгоҳдаги биноларнинг ёғочи курилмалари ёни тезлигини пасастирувчи маҳсус кимёвчилик билан ишлов берилган бўлиши, биноларнинг ёритиш тармоқлари, электр сим ва кабелларнинг химоя қобиқлари электр токига қаршилик даражаси синовдан ўтказилган бўлиши, носоз электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишга йўл қўймаслик лозим.

Оромгоҳ раҳбарлари ва иши-хизматчилар башарти ёнғин содир бўлиб қолганда ҳаракатланиш иш режаларига эга бўлишилари, улар йўриқномадан ўтказилиши зар